ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00393

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОМОРҚА ХЎЖАЛИГИ ВА ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ (ХХ АСР 70 ЙИЛЛАРИ)

Рахмон Рашидович Мухаммадиев
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
raxmonmuxammadiev@gmail.com

Обиджон Ҳамид ўғли Жайнаров
Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси
teacher346@cspi.uz

АННОТАЦИЯ

Мақолада ХХ асрнинг 70-йилларида шахсий томорқа хўжалиги, унда меҳнат қилувчи ёшларнинг шаҳар ва қишлоқ бўйича динамикаси, томорқадаги меҳнат тақсимотида ёшларнинг ўрни ва томорқа хўжалигининг мактаб ўқувчиларини жисмоний ва маънавий тарбиясидаги аҳамияти тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: шахсий томорқа хўжалиги, қишлоқ, колхозчи, ишчи ва хизматчи, мактаб ўқувчилари, фойдали меҳнат, меҳнат тарбияси, меҳнат тақсимоти.

LABOR AND AGRICULTURAL EDUCATION OF YOUNG PEOPLE IN UZBEKISTAN (THE 1970S)

Rakhmon Mukhammadiev
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
raxmonmuxammadiev@gmail.com

Obidjon Jaynarov
Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
teacher346@cspi.uz

ABSTRACT

The article examines private home farming in the 1970s, the dynamics of working youth in urban and rural areas, the role of youth in the division of labor in the garden and the importance of farming in the physical and spiritual education of schoolchildren.

Keywords: private gardening, agriculture, collective farm, worker and servant, schoolchildren, useful labor, labor education, division of labor.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00393

КИРИШ

Шахсий томорқа хўжаликларининг ролини фақат соф иқтисодий аҳамияти нуқтаи назаридангина баҳолаш етарли эмас, уни тарбиявий ҳамда педагогик жиҳатдан ҳам баҳоланса, тўлароқ бўлар эди.

Томорқа хўжалиги бўш иш кучини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш ва ундан унумли фойдаланиш объекти бўлиши билан бирга, қишлоқ ўсмирларида, ёшларида биринчи меҳнат кўникмаси ҳосил қилиш, дастлабки меҳнат тарбияси бериш объекти бўлиб ҳам хизмат қилади. Масалан, 1970-йилларда Ўзбекистонда шахсий томорқа ишлари билан шуғулланган кишилар 9 миллион нафарни ташкил қилган бўлсада, улар асосан аёллар, ўсмирлар ва нафақадаги кишилардан иборат эди [1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Республика аҳолисининг демографик хусусиятларидан бири 1990-йилларга қадар қишлоқ жойларида шаҳарларга нисбатан ўсмир ва ёшларнинг кўпроқ жамланганлиги, шунингдек умумий аҳоли структурасида уларнинг нисбатан турғун аҳоли категориясини ташкил этганлигидир. Буни 1979 йилда нашр қилинган республика статистика бошқармасининг расмий маълумотларига асосланиб қилинган ҳисоб-китоблар исботлаб турибди.

Ўзбекистонда қишлоқ ёшлари динамикаси [2]

Кўрсаткич	**1940-1941 йиллар**	**1970-1971 йиллар**	**1979-1980 йиллар**	**1980 йилда 1970 йилга нисбатан % ҳисобида**
Мактаблар	4875	6940	7457	107
Ўқувчиларнинг умумий сони сони (минг киши)	1271,4	3115,7	3734,4	119
Шу жумладан:				
а) шаҳарларда	282,8	956,9	1177,0	123
б) қишлоқ жойларида	988,6	2158,8	2557,4	118
Қишлоқ жойларидаги ўқувчиларнинг салмоғи % ҳисобида	77,8	69,6	68,4	-
Ўқувчиларнинг умумий сонида 4-8 синф ўқувчилари (минг киши)	538,6	1611,4	1886,2	116
Шундан:				
а) шаҳарларда	146,8	506,0	596,0	117
б) қишлоқ жойларида	391,8	1105,4	1290,2	117
Қишлоқ жойларидаги	72,7	68,8	68,3	-

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00393

ўқувчиларнинг салмоғи % ҳисобида				
9-10 синф ўқувчилари (минг киши)	17,6	344,1	520,0	297
Шундан:				
а) шаҳарларда	5,4	107,0	151,0	141
б) қишлоқ жойларида	12,2	237,1	369,6	156
Қишлоқ жойларидаги ўқувчиларнинг салмоғи % ҳисобида	69,3	68,8	69,8	-

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўша пайтларда республикамиздаги мактаб ўқувчиларининг 2/3 қисмдан ҳам зиёдроғи қишлоқ жойларидаги мактаб ўқувчилари ҳиссасига тўғри келган. Яна шу нарса аёнки, қишлоқ ёшларининг шаҳар томон миграцияси асосан ўрта умумтаълим мактабларини битирганларидан кейин бошланади, натижада улар шаҳар аҳолиси сонини механик равишда тўлдириб боришади.

Демак, мактаб ўқувчиларининг 17-18 ёшгача бўлган даври кўпроқ қишлоқ ҳаётига тўғри келган, худди шу даврда ёшларга ижтимоий фойдали меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, яъни меҳнат тарбиясини бериш жуда муҳим аҳамият касб этган. Бундай шароитда шахсий томорқа хўжаликлари ёшларда бирламчи меҳнат тарбиясини олишда, умуман меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишда бебаҳо ўринга эга бўлган.

НАТИЖАЛАР

1970-йиллар иккинчи ярмида ҳукумат томонидан болалар ва мактаб ўқувчиларини ўқув ишлаб чиқариш комбинатларига тортиш, уларда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, мактабнинг ўзиданоқ маълум касб эгаси бўлиб ҳаётга йўлланма олишига эътибор қарата бошлаган. Аммо ўша пайтларда барча жойлардаги қишлоқ ёшларини ишлаб чиқариш таълимига тортилган деб бўлмайди. Расмий маълумотларга қараганда, 1979-1980 ўқув йилида республикамиз мактабларидаги 520,6 минг нафар 9-10 синф ўқувчиларидан 483,9 минг ўқувчи ишлаб чиқариш меҳнат таълимига жалб этилган [2]. Шу ўринда яна бир маълумотни келтиришни ўринли деб ўйлаймиз. Худди шу даврда ўртача қишлоқ оиласи 6 кишидан иборат бўлиб, шаҳарда яшовчи ўртача оиладан 1,5 марта катта бўлган. Шу билан бирга қишлоқда яшаётган колхозчи оиласининг структураси қишлоқ ва хизматчилар оиласи структурасидан анча фарқ қилган. Масалан болалари 16 ёшга етмаган колхозчи оилаларнинг 14,1

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00393

фоизи 1 болали, 16,9 фоизи 2 болали, 17,6 фоизи 3 болали, 33,4 фоизи 5 ва ундан кўп болали оилалар ҳисобланган. Қишлоқда яшовчи ишчи ва хизматчилар оилаларининг 30,9 фоизини 1 болали, 25,9 фоизини 2 болали, 16,1 фоизини 3 болали, 12,5 фоизини 4 болали, 14,2 фоизини 5 ва ундан кўп болали оилалар ташкил этган [3]. Рақамлардан кўриниб турибдики, давлат томонидан юқори синф ўқувчиларини ҳаммасини ўқув ишлаб чиқариш тизимига жалб этишнинг имкони бўлмаган. Ўз-ўзидан қишлоқдаги кўпчилик ўқувчи ёшлар учун шахсий томорқалар меҳнат ва тарбия майдонига айланган. Қолаверса, бу ўқув ишлаб чиқариш комбинатларида иш сифати анча паст бўлган, яъни уларда маълум бир назарий билимлар берилган бўлсада, амалиёт деярли бўлмаган. Сабаби, кўпчилик мактабларининг моддий-техник таъминоти етарли даражада эмасди. Бундай ҳолатда томорқа хўжалигининг болалар меҳнат тарбиясидаги аҳамияти янада ошган.

Томорқа хўжалигининг колхоз, совхоз хўжаликларидан яна бир фарқи шунда бўлганки, унда оиланинг турли ёшдаги кишилари учун меҳнат турлари мавжуд бўлган. Шу жумладан, ўсмирлар учун ҳам жисмоний қобилиятлари етадиган меҳнат турлари бўлиб, улар кўпинча шахсий чорвачилик билан шуғулланишган. Мактабдан бўш вақтларида ўқувчилар, сигирларга даладан ўт юлиб келиш, қўй-эчкиларни далада ўтлатиш, суғориш каби ишларни бажаришган. Шахсий томорқа хўжаликларида ўсмирлар ота-оналар ва оиланинг бошқа ёши катталарига яқиндан ёрдам бериб, меҳнат қилишни ўрганишган.

Қишлоқ жойларида мактаб ўқувчиларини бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, меҳнатга ўргатишда томорқа хўжалиги тўгарак вазифасини ўтаган. Чунки бу йилларда қишлоқ жойларида шаҳарлардаги каби мусиқа, спорт ва бошқа шу каби тўгарак шохобчалари етарли даражада бўлмаган. Шу боисдан, қишлоқ ўсмирларини мактабдан ташқари банд этишда, уларда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишда шахсий томорқа хўжалиги имкониятларидан фойдаланиш зарурияти, унинг тарбия объекти сифатидаги аҳамияти катта бўлган.

Шахсий томорқа хўжалигининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу хўжаликни юритишда кексалар ва оиладаги ўқувчи ёшлар фаол иштирок этадилар. 1979 йилги бутун иттифоқ аҳоли рўйхати пайтида Ўзбекистон қишлоқларида 715,1 минг кекса ёшдаги, 2,4 миллионга яқин 10-19 ёшдаги ўсмир ва ёшлар яшаган [4]. Демак, шахсий томорқада меҳнат қилувчи мактаб ўқувчилари кекса ёшдаги кишиларга нисбатан анча кўп бўлган. Бинобарин,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00393

республиканинг қишлоқ жойларида шахсий томорқа хўжалигини юритишда балоғат ёшидаги ёки шу ёшга етиб келаётган ўқувчи ёшлар асосий иш кучи манбаи ҳисобланган. Бу иш кучи манбаларидан шахсий томорқа хўжаликларида самарали фойдаланиш, бир томондан, қишлоқ жойларидаги меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни юзага келтирса, иккинчи томондан, аҳоли учун энг зарур бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ ишлаб чиқаришга замин яратган.

Иқтисодий адабиётлар, шунингдек 1980-1990 йилларда таълим-тарбия соҳасида чиққан адабиётлар таҳлили ҳам шуни кўрсатиб турибдики, томорқа хўжалигининг меҳнат тарбияси сифатидаги роли ўрганилмаган. Таъкидлаш жоизки, томорқа хўжаликларини ривожлантириб, биринчи ўринда озиқ-овқат дастурини амалга оширишдан манфаатдор бўлган давлат масаланинг бу жиҳатига эътибор қаратмаган. Шахсий томорқа хўжалигининг маънавий ва жисмоний тарбия беришдек аҳамияти уни илмий-педагогик жиҳатдан ўрганишни талаб этади. Демак, шахсий томорқа нафақат иқтисодчилар учун, шунингдек, илмий-педагогик мутахассислар учун ҳам илмий изланиш объекти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, шахсий томорқаларнинг яшаш жойидалиги ёки унга яқинлиги, унда турли ёшдаги кишилар учун, жумладан ўсмирлар учун ҳам қобилиятларига яраша меҳнат турларининг мавжудлиги, ёшларга меҳнат тарбияси бериш объекти сифатида шахсий ёрдамчи хўжаликлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтирган. Томорқа хўжалиги иқтисодий жиҳатдангина эмас, шу билан бирга меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш, моддий неъмат яратишнинг қадр-қимматини тушуниш ва шу каби умуминсоний ҳислатларни камол топтиришда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

REFERENCES

1. Саидов К. (1975). Колхозчиларнинг турмуш даражасини янада юксалиши. Монография. - Т.: Ўзбекистон. - Б. 32.
2. Народной хозяйство Узбекской ССР в 1979 году. - Т.: Ўзбекистон. - 1980. - Б. 228-229.
3. Jaynarov O. (2019). Organization and activities of the people’s commissariat of justice of the Turkestan ASSR // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. – Philadelphia, USA. Issue: 10. Volume: 78. – P. 746.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00393

4. Токтабаев А.Т., Юлдашев Қ.Х. (1982). Шахсий томорқа хўжалиги. - Т.: Ўзбекистон. - Б. 43.
5. Саидбобоев З. (2017). Российские историко-географические и картографические источники о Средней Азии (первая половина XIX века) // Общество с ограниченной ответственностью Научно-издательский центр" Социосфера". – № 1. – Б. 26.
6. Абдуллаев К., Юлдашев К. ва бошқалар. (1985). Социалистик ишлаб чиқариш шароитида шахсий ёрдамчи хўжалик. - Т.: Меҳнат. - Б. 57.
7. Жайнаров О. (2018). Деятельность органов юстиции в историографии XX века // История, политология, социология, философия: теоретические и практические аспекты / Сб. ст. по материалам XIII междунар. науч,- практ. конф. № 8 (9). Новосибирск: Изд. АНС «СибАК», 2018. – С. 18
8. Мухаммадиев Р. (2019). Ўзбекистонда Усмон Юсупов раҳбарлик қилган йилларда кўмир ва нефт саноати. // Ўтмишга назар журнали. №3. - Б 258-264.
9. Mukhammadiev R. (2019). Labor and human feat of Usman Yusupov during the II world war. // ISJ Theoretical & Applied Science, 10 (78), 780. Impact Factor ICV = 6.630. Impact Factor ISI = 0.829. Philadelphia, USA. -P. 277-281.
10. Жайнаров О. (2019). Внедрение советской судебной системы в Туркестане её последствия // Условия социально – экономического развития общества: история и современность: материалы международной научно-практической конференции. Четырнадцатые Ямбургские чтения: – Санкт Петербург: Свое издательство. – С. 79.
11. Мухаммадиев Р. (2020). Ўзбекистон хотин-қизларининг Иккинчи жаҳон урушидаги меҳнат жасоратлари. // Ўтмишга назар илмий-электрон журнали. №9. - Б. 46-52.